Tadqiqot.uz

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES

# O'ZBEKISTONDA ILMIY TADQIQOTLAR:

## DAVRIY ANJUMANLAR

DAVRIYLIGI: 2018 | 2022 **2022**






**FRIDERIK SHOPEN**

(1810-1849)

# NOYABR

# №46


Toshkent shahar, Amir Temur ko'chasi, pr.1, 2-uy.

+998 97 420 88 81
+998 94 404 00 00

www.taqiqot.uz
www.conferences.uz


CONFERENCES.UZ

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 23-ҚИСМ

# НАЦИОНАЛЬНЫЕ ИССЛЕДОВАНИЯ УЗБЕКИСТАНА: СЕРИЯ КОНФЕРЕНЦИЙ: ЧАСТЬ-23

# NATIONAL RESEARCHES OF UZBEKISTAN: CONFERENCES SERIES: PART-23

ТОШКЕНТ-2022

**УУК 001 (062)**
**КБК 72я43**

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:” [Тошкент; 2022]**

**“Ўзбекистонда илмий тадқиқотлар: Даврий анжуманлар:”** мавзусидаги республика 46-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2022 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2022. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

**1.Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**
Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

**2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**
Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фарғона давлат университети)

**3.Тарих саҳифаларидаги изланишлар**
Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

**4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**
Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**5.Давлат бошқаруви**
Доцент Шакирова Шохида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

**6.Журналистика**
Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

**7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**
Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**8.Адабиёт**
PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни**
Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**
Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**
Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**
Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**
Бобохонов Олтибой Рахмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Мусиқа ва ҳаёт**
Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**
Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманган мухандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**
Доцент Сохадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган мухандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**
Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**20.Ветеринария**
Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

**21.Кимё фанлари ютуқлари**
Рахмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)

**22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**
Проф. Хамидов Мухаммадхон Ҳамидович «ТИИМСХ»

**24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**
Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

**25.География**
Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

***Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.***

**© Муаллифлар жамоаси**
**© Tadqiqot.uz**

**PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

## АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

**1. Абдуғани Мқумов, Санобар Абдуқодирова**
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АГРОКЛАСТЕРЛАР ҲУДУДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ .......... 7

# АГРОПРОЦЕССИНГ РИВОЖЛАНИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

## ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА АГРОКЛАСТЕРЛАР ҲУДУДИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

**Абдуғани Мқумов**
катта ўқитувчи “ТИҚХММИ”
Миллий тадқиқот унверситети,
**Санобар Абдуқодирова**
таянч докторант “ТИҚХММИ”
Миллий тадқиқот унверситети

***Аннотация***
*Мақолада Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалиги агрокластерларини шакллантириш ҳақида сўз боради. Тошкент вилояти агросаноат тармоғининг “TCT Cluster” МЧЖ енг йирик қишлоқ хўжалиги кластерларидан бири ҳисобланади.*
**Калит сўзлар:** агросаноат технополис, технопарк, лойиҳалар, кластерлар, агрокластерларни ташкил этиш.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида кластер тизимини қўллаб-кувватлашга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2017 йил 9 декабрда республикамизда илк бор нишонланган “Қишлоқ хўжалиги ходимлари куни” байрам тадбирида республикамиз туманларида амалда қўлланилган – пахтани етиштиришдан тортиб, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган босқичларни ўз ичига қамраб олган кластер усулини эътироф этиб, биз ушбу тизимга Ўзбекистон пахтачилигининг келажаги сифатида қарамоқдамиз, деб таъкидлаганлари алоҳида аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, юртимизда пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий қилиб, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш мақсадида 2018 йил 1 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг “Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора тадбирлари тўғрисида”ги 974- сонли қарори қабул қилингани ушбу соҳани янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилмоқда. Бунда, энг муҳими, кластер корхоналари билан фермер хўжаликлари ўртасида бозор муносабатларига асосланган ҳолда интеграциялашуви натижасида пахтачиликда илғор агротехнологиялар ва услублар жорий қилиниб, замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан жиҳозлашга эришилмоқда.

Мамлакатимизда кластерлар билан боғлиқ илмий изланишлар бошланиши 2000 йилларга тўғри келади, бу борадаги илмий-амалий ишлар эса Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан қабул қилинган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш, етакчи тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш асосида мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини ошириш борасида барча соҳаларда кенг кўламли ислоҳотлар олиб бориш билан бошланди. Мазкур жараёнлар билан боғлиқ технополис, технопарк, кластер каби қатор тушунчалар турмуш тарзимизга кириб келди.

Ушбу назарий таърифларни янада такомиллаштириш ва кенгайтирилган ҳолда умумлаштириб, қишлоқ хўжалигида “агрокластер-қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш жараёнларини ягона занжирга бирлаштириш ва юқори технологик инновациялардан фойдаланиш орқали қишлоқ хўжалиги махсулотларининг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини ошириш, қишлоқ жойларда инфратузулма мажмуини шакллантириш ва ривожлантириш, қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлиги даражаси ва даромадларини ошириш ҳамда экологик муҳитни яхшилашга қаратилган

фаолият юритувчи хўжалик юритиш субъектидир” деган хулосага келиш мумкин. Маълумки кластерлар назариясини амалиётга қўллаш турли мамлакатларда ва тармоқларда ўзига хос хусусиятларга эга, шу билан бир қаторда унинг барча давлатлар учун умумий бўлган бир қатор белгилари ҳам мавжуд. Бизнинг назаримизда улар қуйидагиларда намоён бўлади (1 -расм).




1-расм. Кластерларни амалиётга қўллаш хусусиятлари

Агрокластерни ташкил этишнинг муҳим жиҳати – унинг иштирокчиларининг биргаликда **қишлоқ хўжалиги махсулотларини етиштириш – қайта ишлаш - сотиш – илмий – тадқиқотлар олиб бориш** жараёнларини ўзида мужассамлаштирган ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалиётда қўллаш орқали бир-бирларига бўлган ишончларини мустахкамлаш ҳисобланади.

Бугунги кунда ҳудудларнинг кластер салоҳияти бўйича қилинган ҳисоб-китоблар натижалари шуни кўрсатадики, Тошкент, Самарқанд, Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари мева-сабзавот етиштириш бўйича юқори салоҳиятга эга. Бунда агрокластерларнинг асосий компонентлари сифатида мева-сабзавот етиштириш, қайта ишлаш ҳамда маркетинг тизими хизмат қилади. Айниқса Тошкент вилоятида мева-сабзавотчилик кластерларини ташкил қилиш орқали ерлардан самарали фойдаланиш коэффициенти бошқа вилоятларга нисбатан анча юқори. Бунинг асосий сабаби, ушбу вилоят туманларида аҳоли нисбатан зич жойлашган, унумдор ер ва сув ресурслари етарли, меҳнат ресурслари кўп.

“TCT Cluster” МЧЖ бугунги кунда кўп тармоқли кластер бўлиб пахта ва ғаллачиликка ихтисослаштирилган “TCT Agro Cluster”, шоличиликка ихтисослаштирилган “TCT Rice” ҳамда балиқчиликка ихтисослаштирилган “TCT Fish ” кластерлари фаолият юритиб келмоқда

“TCT Agro Cluster” кластери жорий йилда 13400 гектарда ғалла парваришлаб жами 54 минг тоннадан ортиқ сара дон йиғиб олди, 11 минг 461 гектарда етиштирилган пахта ҳосили эса айни дамда йиғиб териб олинмоқда.

“TCT Rice” 2.5 минг гектардан ортиқ ерда шоли етиштирилиб шу ернинг ўзида сақлаш ва қайта ишлаш жарайони амалга оширилади. Туманнинг “Сурум” МФЙ ҳудудидаги қаровсиз бўлиб қолган ҳудудда ташкил этилган шолини қайта ишлаш ва сақлаш заводининг умумий майдони 6 гектарга тенг. У ўзининг хирмони майдони умумий сиғими 15 минг тонналик 2 та ёпиқ омбор шолини тозалаш ва қуритиш цехи ташкил этилган.

“TCT Fish ” кластерига қарашли сув хавзаларининг умумий майдони 2385 гектар бўлиб, шундан 1750 гектарда балиқ парваришланади. Кластер томонидан зоғора балиқ, оқ дўнгпешона, оқ амур каби балиқ турлари парваришланиб, йилига 4500 тоннагача балиқ

овланмоқда.

Юқоридаги маълумотларга асосланиб шуни айтишимиз мумкин: кластерлар табиатидан қатъий назар, барча кластер тузилмаларига хос бўлган маълум умумий хусусиятларга, келиб чиқиш шароитларига ва ривожланиш қонуниятларига эга.

Шундай қилиб, кластер рақобатбардош (ички ва ташқи) ўзаро ҳаракатларни ва кооперацияни ҳал қилиш орқали кучли адаптив салоҳиятга эга ва бир қатор синергетик таъсирларни келтириб чиқаради. Бундай бирлашиш натижасида кластерлар нафақат ўзаро таъсир қилувчи хўжалик юритувчи субъектларнинг рақобатбардошлиги ва фаолиятининг самарадорлигини оширишга ҳисса қўшади, балки рақобатбардош устунликларга эга бўлиш шарти ҳам бўлиб хизмат қилади .

**Фойдаланган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг 2018 йил 1 декабрдаги “Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ туманида замонавий агросаноат кластерини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 974- сонли қарори.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 53-сонли қарори.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 07.02.2017 йил 2017-2021 йилларда “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ – 4947 - сонли фармони.

4. А.Ш. Бекмурадов и Янг Сон Бе. Стратегия развития текстильной промышленности Ўзбекистана. Кластерный подход. Ташкент, 2006.

5. А. Солиев, Х. Кодиров. Кластеризация экономики – важнейший фактор стратегического планирования. Иқтисодиёт: таҳлиллар ва прогнозлар. Т.: 2019., №1. 104-108 б.

# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ТАДКИКОТЛАР: ДАВРИЙ АНЖУМАНЛАР: 23-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович
**Мусаҳҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2022

**Контакт редакций научных журналов.** tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz**
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: http://www.tadqiqot.uz/; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000